

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ АУДИТИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб тижорат банклари кредит портфели аудитини ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун диссертация ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банкларида аудитни ташкил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари очиб бериш;
- тижорат банкларида кредит фаолияти ва унинг босқичларини ўрганиш;
- миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг кредит портфелига баҳо бериш;
- республикаимиз тижорат банкларининг кредит портфелида мавжуд бўлган асосий тенденцияларни аниқлаш;
- тижорат банклари кредит сиёсати аудитини таҳлил қилиш;
- Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- тижорат банклари кредит фаолияти аудитини амалга ошириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети ва объекти. Ушбу диссертацион тадқиқотнинг предмети бўлиб, тижорат банкларининг кредит портфели аудити амалга ошириш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, республикаимизнинг бир қатор йирик тижорат банкларининг кредит портфели ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб, Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг ички аудит ва кредит фаолиятига бағишланган илмий

изланишлари ҳисобланади.

Диссертация ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлардан йирик тижорат банкларининг йиллик ва жорий ҳисоботлари маълумотларидан ҳамда даврий матбуот материалларидан кенг қўламда фойдаланиш кўзда тутилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- тижорат банклари кредит портфели аудитининг моҳиятини илмий асосда ўрганиш натижасида аудитнинг асосий жиҳатларига хос бўлган ўзига хос хусусиятлар аниқланади;
- тижорат банклари кредит сиёсати аудитини таҳлил қилинди;
- тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ўрганилиб ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилди;
- тижорат банклари кредит портфели аудитини амалга ошириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиқ берилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишда таклиф қилинган айрим таклифлар ва тавсиялар республикамиздаги айрим тижорат банклари кредит портфелининг аудитида қўлланилиши мумкин.

БҲА-1 гуруҳ магистранти
Сапарова Н.